

- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида **«Истеъмолчи»** унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;
 - газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талаблар бажарилиши;
- Газ ҳисоблагич куйидаги талабларга жавоб бериши:
- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;
 - ишлаб чиқарувчи корхона-завод ва «Ўздавстандарт» тамғалари сақланган, бут бўлиши;
 - ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиш ҳолатлари бўлмаслиги;
 - газ ҳисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ ҳисоблагич русуми, рақами, унинг аниқлик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрстилганлиги;
 - газ ҳисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;
 - газ ҳисоблагич шовқинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ ҳисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, ҳисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланади ва аниқланган камчиликлар **«Истеъмолчи»** томонидан бартараф этилмагунига қадар ҳисоблаш тармоғи яроқсиз деб ҳисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. **«Истеъмолчи» «Таъминотчи»** вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган миқдорда газ ҳисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. **«Истеъмолчи»** ташаббуси билан **«Таъминотчи»** вакилини таклиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, **«Таъминотчи»** вакили газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун **«Истеъмолчи»** ҳудудига киритилмаса, **«Истеъмолчи»** томонидан фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, **«Таъминотчи»** вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида **«Таъминотчи»** вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда, **«Истеъмолчи» «Таъминотчи»** вакилининг ҳудудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ ҳисоблаш мосламаси, тижорат ҳисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, **«Таъминотчи»** далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ ҳисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган **«Истеъмолчи»** вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда “истеъмол”чининг манзили кўрсатилади.

Агарда **“Истеъмолчи”** далолатномага имзо куйишда бош тортса унда, **“Таъминотчи”** томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.18. Газ ҳисоблаш воситалари ишдан чиқса ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса, **«Истеъмолчи»** бу ҳақида **«Таъминотчи»**ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамғалаш учун **«Таъминотчи»**ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи ҳисоб-китоби ўзгарганида **«Истеъмолчи» «Таъминотчи»**га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки рухсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтегазназорат» инспекциялари томонидан берилган рухсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ ҳисоблаш пункти ишдан чиққанида **«Истеъмолчи» «Таъминотчи»** вакилини 1 сутка давомида хабардор қилиб, газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичини қайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ қувури тизими орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бундай пайтда **«Истеъмолчи»** газ ҳисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. **«Таъминотчи»** томонидан газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.